

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

“Банк иши” фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: “Жиноятдан олинган даромадларни ўзлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши банк назоратини самарали ташкил қилиш муаммолари”

**Бажарди: ИБХБИ-65 гуруҳ талабаси
Кучкаров Ж**

Илмий раҳбар: Холмаматов Ф.

ТОШКЕНТ-2011

Режа:

Кириш.

1. Банк назорати тушунчаси, зарурлиги ва вазифалари

2. Жиноятдан олинган даромадларни ўзлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши банк назоратини самарали ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари

3. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари ва унинг таҳлили

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Тижорат банклари бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг жорий ва инвестиция фаолиятини молиялаштирувчи ва умуман, иқтисодиётда молия ресурсларини қайта тақсимлашни амалга оширувчи муҳим институт ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг турли хилдаги молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжи тижорат банклари орқали қондирилади.

Тижорат банклари фаолияти юқори даражадаги иқтисодий рисклар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Банклар фаолияти асосан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Шунга кўра банклар фаолиятида доимо ликвидлилик rischi, кредит rischi ва тизимли риск яққол кўзга ташланиб туради. Тижорат банкларининг бош мақсади - юқори даражада фойда олишни таъминлаш, бу эса банкни юқори даромадли, айтилиши вақтда, юқори riskли операцияларни (кредитлар бериш, тижорат қимматли қоғозларини сотиш-сотиб олиш операциялари ва ҳ.к.) амалга оширишни тақозо этади. Буларнинг барчаси пировард натижада банклар фаолиятида фойдалилик ва ликвидлилик категориялари ўртасидаги мураккаб, зиддиятли боғлиқликни юзага келтиради.

Тижорат банкларининг банкрот бўлиши аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларини йўқотилишига олиб келади. Айтилиши, банклар тизимли банкрот бўлиши корхоналарнинг оммавий тарзда банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Оқибатда, биринчидан, аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг банк тизимида бўлган ишончига путур етади. Иккинчидан, жамиятдаги ижтимоий вазиятни ёмонлашуви юзага келади. Учинчидан, ҳукуматнинг фискал манфаатларига зиён етади.

Юқорида баён этилган ҳолатлар тижорат банкларининг миллий иқтисодиётда юксак ва маъсулиятли мавқега эга эканлигидан далолат беради. Шу боисдан улар фаолиятини тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Барча давлатларда тижорат банклари фаолиятини макродаражада жорий тартибга солиш Марказий банк томонидан амалга оширилади. Марказий банк банклар фаолиятини тартибга солиш орқали молия-банк тизимининг юқори даражадаги ликвидлигини, банкларнинг тўловга қобиллигини таъминлайди ва бир вақтнинг ўзида узлуксиз фаолият кўрсатадиган тўлов тизимини яратиш орқали банкларнинг мижозларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилгандан кейин ўтган қисқа вақт ичида банклар фаолиятини тартибга солиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Чунинчи, узлуксиз фаолият кўрсатадиган тўлов тизими яратилди ва у такомиллаштирилмоқда. Тижорат банклари активлари, капитали ва кредит қўйилмаларини ўсиш тенденцияси юзага келтирилди. Халқаро Базель қўмитасининг услубий-меърий йўриқномаларига таянилган ҳолда иқтисодий нормативлар мажмуи ишлаб чиқилди, халқаро миқёсда тан олинган “CAMEL” тизимида мувофиқ банкларни жойларда инспекция қилиш жорий этилди.

Айтилиши вақтда, республикада тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш борасида ҳал қилинмаган масалалар, камчиликлар сақланиб қолмоқда. Чунинчи, тижорат банкларининг активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг нисбатан юқори даражада қолаётганлиги, айрим йирик тижорат банкларининг барқарор ресурслар базасининг заифлиги, тижорат банкларининг ресурс базасини шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи мажбурий захира талабларининг жуда юқорилиги, банкларнинг кредит портфелини диверсификация қилиш борасидаги ва бошқа шу каби муаммолар мавжуд.

Асосий эътибор халқаро банк амалиётида банк назоратининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ушбу йўналиш бўйича халқаро андозаларнинг қайд этилган муаммоларнинг моҳиятини очиқ бериш ва уларни ҳал этишга қаратилади.

Мамлакатимизда молия, валюта-кредит соҳасида мустақил давлатимизнинг олиб борган оқилона сиёсати туфайли жамиятимиз миқёсида иқтисодий барқарорлик сақлаб қолинди.

Ҳар қандай давлат иқтисодиёти таянадиган асосий устунлардан бири - барқарор банк тизими ҳисобланади.

Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг иш самарадорлигини сақлаб туришда банк назорати муҳим ўрин тутди.

Банк назоратидан кўзланган бош мақсад банк тизими барқарорлигини сақлаш, омонатчилар ҳамда кредиторлар манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш, банкларнинг молиявий муаммоларини олдиндан аниқлаш ва уларни олдини олиш ва ҳоказолардан иборат.

Банк иши пайдо бўлган вақтдан бошлабқ айрим банкларнинг банкрот бўлиши туфайли, омонатларнинг оммавий тусда олиб қўйилиши, банклар томонидан амалга оширилаётган қисман захирани қоплаш сиёсати билан боғлиқ таваккалчилик туфайли келиб чиқадиган беқарорлик объектив суръатда давлатни банк ишини бошқариш амалиётини кенгайтиришга ундаб келди. Давлат тартибга солиш ёрдамида ҳамма омонатчилар ва кредиторларни мафаатларини ҳимоя қилишга ва банкларни банкрот бўлиши туфайли иқтисодиёт учун талофат келтирадиган оқибатлардан сақлашга ҳаракат қилади.

Маълумки, ҳар бир мустақил давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожини аввало, бу давлатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштириб бориладиган банк тизимининг ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир. Банк тизими вақти-вақти билан давлат томонидан тартибга солиб турилиши ҳозирги бозор шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, Чунки айрим банкларнинг банкрот бўлиши ўнлаб ва юзлаб корхоналар, кўп минглаб омонатчиларнинг қийин аҳволда қолишига олиб келади.

1. Банк назорати тушунчаси, зарурлиги ва вазифалари.

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига кўра, эмиссия банки ва тижорат банклари тармоғини ўз ичига олган икки поғонали банк тизимини самарали фаолият кўрсатишини йўлга қўймай туриб, давлат иқтисодиётини юксалтириш ва унинг барқарорлигига эришиш мумкин эмас. Бунда биринчи поғонада Марказий банк бўлиб, у мамлакатнинг пул муомаласини ва барча кредит муассасаларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Иккинчи поғонани эса тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари шакллантиради.

Банк тизимининг бундай бўлиниши авваламбор, Марказий банкнинг ва тижорат банкларининг мақсадлари, вазифалари ва мавқеини белгилайди. Тижорат банклари ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишни тижорат асосида амалга оширадилар. Марказий банк эса мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, республика молия секторини мустақамлигини, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга оширади.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги пировард мақсади барқарор иқтисодий ўсишни, юқори бандликни, барқарор ички баҳоларнинг мавжудлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида эришилади. Пул-кредит сиёсати, бюджет сиёсати, нарх-наво сиёсати, иш ҳақи ва бандлик сиёсати иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсати инфляцияни жиловлаш, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликни олдини олиш, тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини сақлаб туриш, фаол бозор конъюнктурасини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган сиёсатдир. Мазкур сиёсат барча давлатларда Марказий банк томонидан амалга оширилади. Айрим давлатларда у Миллий банк деб ҳам юритилади, АҚШда эса Федерал Резерв Тизими (ФРТ) деб аталади ва баъзан Фед деб юритилади.

Банк фаолияти барча мамлакатларда қатъий равишда тартибга солинади ва назорат қилинади. Зеро, банклар мамлакатдаги капитални сафарбар қилиш ва кредитлар тақдим этиш билан мамлакат молия тизимида фаол иштирок этади. Ва албатта, назоратнинг асосий мақсади аҳолисини қолаверса мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишдир. Банк назоратини амалга оширишнинг бир қатор сабаблари манфаатлар нуқтаи-назаридан келиб чиқади ва улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, банклар мамлакат аҳолисининг жамғармасини асосий сақловчиси ҳисобланади. Банклар фаолиятини назорат қилиш мамлакат аҳолисини моддий зарар кўришдан сақлаш учун ташкил этилади. Чунки банкларнинг асосий мақсади даромад олишга қаратилган бўлиб, банк даромадлилиги унинг ликвидлиги билан тескари мутаносибликда бўлган ҳолда риск билан тўғри мутаносибликдадир. Бу эса баъзи ҳолларда банкларнинг инвестицион ва кредит портфелининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Банк мижозлари эса банк рўпара келаётган риск ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайди. Демак, банкнинг рискни қабул қилиш эҳтимолининг ошиши мамлакат аҳолисининг жамғармасининг жиддий зарар кўришига олиб келади. Банкнинг салбий фаолиятидан аҳоли жамғармаларининг фақат қисқа муддатли юқори ликвидли депозитларга қўйилган қисми зарар кўриб қолмай, балки узоқ муддатли жамғармаси масалан, пенсия фондига ажратилган ажратмалар ҳам жиддий зарар кўриши мумкин. Бу эса банк назоратининг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Иккинчидан, банк кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилиш, тартибга солиш амалиётлари қўлланилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ва индивидуал шахслар ўз фаолиятларини ривожлантириш, турмуш фаравонликларини ошириш учун тижорат банкларининг турли хил кредитларидан фойдаланишади. Ушбу кредитлар кенг омма учун йўналтирилишини, ҳамда банк хизматларининг нархини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ҳукумат,

банк назоратининг билвосита воситаси банклар ўртасида кучли рақобатни таъминлаб эришади.

Учинчидан, ҳукумат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарали банк назоратини ташкил қилишга ҳаракат қилади. Банклар ҳукуматнинг фискал агенти бўлиш билан бирга уларнинг ўзлари ҳам мамлакат бюджетига солиқ тўловларини амалга оширишлари билан ҳукумат томонидан уларнинг юқори даромадлилиги қўллаб-қувватланади шу билан бирга юқори даромадлилик паст даражадаги ликвидлиликни келтириб чиқариб ўз навбатида юқори риск туфайли мамлакатда тизимли рискни келтириб чиқаради. Бу бутун иқтисодиётни инқирозга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, банклар бўш пул маблағларини жалб етиб, уларни кредитлар учун йўналтириш билан мамлакатдаги иқтисодий фаолликни ошириб, ишсизлик даражасини камайтиради, шу билан бирга мамлакатдаги пул массасига билвосита таъсир етиб, инфляцияни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳукумат самарали банк назоратини ташкил этишга ҳаракат қилади.

Тўртинчидан, банк акциядорлари ва ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам банк назорати ташкил этилади.

Бозор иқтисодиёти тўлиқ қарор топган ривожланган давлатларда давлатнинг банк назорати соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- а) пул таклифи устидан назорат ўрнатиш;
- б) иқтисодиётдаги молиявий нобарқарорликларга барҳам бериш;
- в) банкларнинг фойда асосида фаолият юритишини таъминлаш;
- г) банк тизимида нисбатан ишончсизлик туйғуларини юзага келишига йўл қўймаслик.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг қисқариши, молиявий муносабатларни эркинлаштирилиши барқарор пул-кредит тизимини ривожлантиришга имконият туғдиради. Айни вақтда, кучайиб боровчи рақобат, ўзгарувчан баҳолар шароитида банк рисклари ва нобарқарорлик кучаяди. Йирик банкларнинг бир вақтнинг ўзида банкрот бўлиши миллий иқтисодиётга жиддий зиён етказиши, тўлов тизимининг издан чиқишига, пул таклифининг кескин қисқаришига олиб келиши мумкин. Демак, банк тизимини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш орқали умумий нобарқарорлик даражасини пасайтириш мумкин.

Турли мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг турлича механизмлари қўлланилади. Шунингдек, ташкилий ёндошувлар ҳам хилма-хилдир. Аммо бирорта механизм кредит институтларининг жорий фаолиятига давлатнинг аралашуви мавжуд бўлган шароитда самара бермаган. Банкларни банкротликдан ҳимоя қилиш тизимида етакчи ўринни банкларнинг ички бошқарув тизимининг сифати эгаллайди. Шу сабабли, банк тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар банк муассасаларини ривожлантириш жараёнида уларни бошқариш ва тартибга солишни мустаҳкамлаш масаласига йўналтирилиши лозим.

Тижорат банкларининг банкрот бўлиши аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларини йўқотилишига олиб келади. Айниқса, банкларнинг тизимли инқирозга юз тутиши хўжалик субъектларининг оммавий тарзда банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Бунинг оғир ижтимоий – иқтисодий оқибатлари сифатида, биринчидан, аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг банк тизимида бўлган ишончига путур етади; иккинчидан, жамиятдаги ижтимоий вазиятни оғирлашувига олиб келади; учинчидан, ҳукуматнинг иқтисодий манфаатларига зиён етади.

Банк иши пайдо бўлган вақтдан бошлаб алоҳида банкларнинг банкротлиги, депозитларни оммавий тарзда банклардан қайтариб олиниши натижасида юзага келадиган нобарқарорликлар банк тизимини тартибга солиш амалиётининг вужудга келишини тақозо қилди. Банк фаолиятини тартибга солиш орқали ҳукумат омонатчиларни ва кредиторларни молиявий йўқотишлардан, иқтисодиётни эса банкларнинг банкротлиги натижасида юзага келадиган оғир оқибатлардан ҳимоя қилади.

Ўзбекистон банк тизимини қайта қуриш мустақил давлатимиз иқтисодий тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Хўжалик механизми бир маромда фаолият юритиши барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини тақозо этади. Бугунги кунда иқтисодиётни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида сифат жиҳатидан бутунлай янги банк тизими ҳамда банк назоратини туб асосини яратиш ва қуриш узлуксиз давом эттирилмоқда.

Банклар устидан назорат қилиш, улар фаолиятида муайян чеклашларни ўрнатиш иқтисодий эркинликка зид бўлган ҳолат сифатида қаралиши мумкин. Лекин жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида банклар, шунингдек бошқа молия ташкилотларининг фаолиятлари кўп даражада давлат томонидан тартибга солинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида молиявий сектор жиддий равишда тартибга солинар экан, ўтиш даврида буни тўла оқлаш мумкин.

Тўғри, банк фаолиятини тартибга солишда ҳаддан ташқари ва рақобатнинг ривожланишига ҳалақит берадиган омилга айланадиган чегарани белгилаш осон эмас. Шунинг учун, жаҳонда умумий қабул қилинган тамойиллар ва қоидалар ҳар бир мамлакатда аниқ вазият таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

У ёки бу банкнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни тузатишга мажбур қилиш учун назорат органи ихтиёрида таъсир кўрсатиш чораларининг муайян тўплами бўлиши керак. Республикамиздаги янги банк қонунларимизга кўра, турли вазиятларда фойдаланиш мумкин бўлган табақалашган чоралар мажмуи кўзда тутилган. Жумладан, иқтисодий меъёрларни ўзгартириш, мажбурий резерв фондини ошириш, айрим банк операцияларини амалга оширишни таъқиқлаб қўйиш, ҳиссадорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиб қўйиш, банк устидан васийлик ўрнатиш кабилардир. Энг сўнгги чора эса, уларга берилган лицензияларни қайтариб олишдан иборатдир.

Тижорат банкларини назорат қилиш деганда банкларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида доимий равишда амалга ошириладиган назорат тушунилади.

Давлатнинг пул-кредит сиёсати, хусусан тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш сиёсати қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банкнинг йўриқномалари асосида амалга оширилади. Ҳукуқий меъёрлар банклар учун мажбурий бўлган чекловлар ва фаолиятининг қатъий чегараларини белгилаб беради. Бу эса, банк сифатсиз бошқарилган тақдирда жиддий зарарлар юзага келишини олдини олади. Банк фаолиятини тартибга солишнинг ҳукуқий асосларининг мустаҳкам эмаслиги банкларнинг банкрот бўлишига ва умумий нобарқарорликни юзага келишини кучайтиради.

Банк тизимини ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳукуқий тартибга солиш меъёрларини яратиш лозим. Масалан, иқтисодий нормативлар барча тижорат банкларига нисбатан бир хил тарзда қўлланилиши лозим. Акс ҳолда, айрим банклар эркин рақобат муҳитидан четга чиқиб қолади.

Банк назорати 100 йилдан ортиқ муддат давомида АҚШ да ва Ғарбий Европа давлатларида ўзининг қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар шаклланиб келган эди.

Шу ўринда ривожланган давлатларда, хусусан Европа Иттифоқи давлатларида, АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда банк назоратининг зарурлиги 1975 йилга келиб ўз аксини топди, яъни ривожланган давлатлар банк назоратини фақат молиявий секторда эмас, балки, умуман иқтисодиётда асосий роль ўйнашини тан олдилар. Натижада банк назорати бўйича халқаро ташкилот “Базель қўмитаси” вужудга келди. Банкларнинг тизимли рискни келтириб чиқариши, бир-бири билан иқтисодий алоқада бўлган давлатларни ҳам иқтисодий инқироз ёқасига олиб келиши мумкин. Бу худди Лоренсинг “Капалак эффекти” назариясига ўхшайди, унга кўра Бразилияда қанот қоккан капалаклар Техасда торнадо бўлишига олиб келади. Бундай инқирозлар эҳтимолининг ортиши мамлакатлар ўртасида минтақавий банк назоратини тузиш зарурлигини келтириб чиқарди. Ҳозирги кунда банк назорати тизимини қуйидаги турларга бўлиш мумкин.



Базель қўмитаси бутун дунё мамлакатлари учун банк назорати тамойилларини ишлаб чиқади ва минтақавий банк назоратида банклар фаолияти, уларнинг назорат қилиш тамойиллари ишлаб чиқилиб, давлатлар уни ўзларининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда банк назорати бўйича стандартларига мувофиқлаштиришади. Базель қўмитасининг вужудга келиши ва бу қўмита томонидан халқаро андозаларнинг яратилиши, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар банк назорат тизимини илмий тадқиқотнинг кейинги параграфида батафсил кўриб чиқилган.

Умуман олганда банк назоратининг мамлакатлар ўртасида ва халқаро миқёсда камраб олиш кўламини қуйидагича тасвирлаш мумкин.

Кенг маънода банк назорати бу ҳукумат томонидан молиявий секторни ишончлилигини, барқарорлигини таъминлашда ишлатиладиган тизимдир.

Барча давлатлардаги банк назорати тизимлари олдида 2 та муҳим вазифа туради:

1. Банк тизимини мустаҳкамлаш, ҳамда иқтисодий ўсишига ҳамкорлик қилиш.
2. Барча омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

Банк назорати олдида турган асосий вазифа бутун банк тизимини барқарорлигини таъминлаш бўлсада, лекин алоҳида олинган банк дуч келиши мумкин бўлган жиддий муаммоларни ва инқирозларни олдини олиш мақсадга эришишдаги энг яхши йўлдир. Омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилишдан мақсад, улар ўз маблағларидан фойдаланаётган банклар томонидан қандай хавф-хатарли операциялар бажарилаётганлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

Бу борада республикамызда амалга оширилган ишлар, яъни 1997 йил март ойидан бошлаб жаҳон андозаларига мос келадиган ва банклар фаолиятини ойдинлаштириш имконини берадиган тижорат банклари ҳисоб-варақлари янги режаси амалга жорий қилинди. Янги ҳисоб-варақлар режасини жорий қилиниши банклар фаолияти “ошкоралигини” (инглизча “transparent”-шаффофлик, очиқлик, ойдинлик) сармоядорлар, банк мижозлари ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар учун очиқлигини таъминлаш имконини берди.

Банк фаолиятини назорат қилишнинг зарурлиги амалга ошириладиган монетар сиёсатнинг асосини ташкил этиш билан биргаликда республикамызнинг бозор

¹ С.Норқобилов ва бошқалар. Халқаро амалиётда банк назоратию Магистрлар учун дарслик. Тошкент, 2007. 219 б.

иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли билан ҳам боғлиқдир.

Республикамизда Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини назорат қилинишининг асосий мақсади тижорат банкларига бирон бир иқтисодий чора кўриш эмас, балки банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиб, банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шу ўринда Марказий банкнинг тижорат банкларини лицензиялаш борасидаги сиёсатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Банкларни лицензиялаш ва улар фаолиятини тартибга солиш, яъни банк назорати банк тизимининг барқарорлигини сақлаш, янги молиявий жиҳатдан барқарор бўлган банкларнинг бозорга киритилишини назорат этиш йўлларида биридир. Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш жараёнини такомиллашуви авваламбор лицензиялаш андозаларини, яъни банк муассасаларининг молиявий аҳволи, банк раҳбарлари малакаси ва обрўсига қўйиладиган талабларни оширишдан иборатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикамизда Марказий банк томонидан тижорат банкларини сонини кўпайишга йўл қўйган МДХ давлатларидан фарқли ўлароқ, банкларнинг сонидан ҳам кўра сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, кўплаб давлатларда юз берган молиявий инқирозларни республикамиз банк тизимида ўз таъсирини ўтказмаганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларини лицензиялаш ва банк назоратини ташкил этишда олиб бораётган сиёсатини тўғрилигини яна бир бор исботлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, банклар томонидан ўз капитали етарлилигини таъминланиши, Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя этилиши, иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмалари ўсишини ва рискни оқилона диверсификацияланишини таъминланиши, кредитлар бериш шартларини, шунингдек, банк кредит портфелининг ҳолатини акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда назорат қилиниши банк назоратининг моҳиятини билдиради.

2. Жиноятдан олинган даромадларни ўзлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши банк назоратини самарали ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини ёхуд пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Терроризмни молиялаштириш - террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат; ички назорат;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар

Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи.

Ички назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир. Ички назорат амалга оширилаётганда зарур ахборотни расмийлаштириш, унинг махфийлигини таъминлаш тартиби, кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари, шунингдек махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари белгиланади. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат қоидаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда хўжалик, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда;

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда;

шубҳали операциялар амалга оширилганда;

мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали мулкдорни ёки юридик шахс бўлган мижозни назорат қилувчи шахсни идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишни.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишини мувофиқлаштиради;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича қонунга мос равишда олинadиган ахборотлар таҳлил қилинишини амалга оширади;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, агар бундай операциялар тўғрисидаги ўзи олган хабар текшириш натижаларига кўра асосли деб топилган бўлса, икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар йўллайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан, автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўрайди ва бепул олади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига доир қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан ўз мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, ўзгартириш ёхуд тугатишга қаратилган ҳаракатлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялардир.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;

биржа аъзолари;

суғурталовчилар ва суғурта воситачилари;
лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;
пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;
ломбардлар;
лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни ўтказиш давомида шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилади.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак бўлган шубҳали операциялар аниқланган тақдирда, махсус ваколатли давлат органига бу операциялар бўйича улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай белгиланган тартибда ахборот тақдим этиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг

кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришади;

ички назорат тартиб-таомилини жорий этиш ва амалга ошириш.

Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган юридик ёки жисмоний шахсларга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар мазкур операцияларни бажаришни рад этади, юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция чет эл валютасида амалга оширилаётган бўлса, унинг миллий валютадаги миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни террорчилик ёхуд бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёхуд жисмоний шахслар ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда тақдим этиш тижорат, банк сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сири ёки бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлашлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, махсус ваколатли давлат органининг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органларнинг ходимлари юридик ва жисмоний шахсларни уларга нисбатан ўтказилаётган назоратдан хабардор қилишга ҳақли эмас.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар, махсус ваколатли давлат органи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклайдилар ҳамда бундай ахборотнинг тарқатилмаслигини таъминлайдилар.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органи зарур ахборот тақдим этиш тўғрисида чет давлатларнинг ваколатли органларига сўровлар юбориш ва чет давлатлар ваколатли органларининг сўровларига жавоб қайтариш ҳукукига эга.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

3. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари ва унинг таҳлили

Тижорат банкларининг ички назорат тизими мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боглик операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

тижорат банкининг қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жиноий фаолиятга жалб қилинишига, унинг устав фонди (капитали)га жиноий фаолият натижасида олинган капиталнинг, шунингдек тижорат банкни бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб келишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

Тижорат банклари ички назорат тизимининг асосий вазифалари:

қонун ҳужжатлари, Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ миқдорларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

миқдорларнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг манбасини аниқлаш бўйича асосли ва қўрилиши мумкин бўлган чораларни амалга ошириш;

Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан белгиланган мезонлар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш қунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган қўннинг ўзида Департаментни хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боглик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боглик операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва миқдорларни лозим даражада текширишга доир материалларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

тегишли қарорлар қабул қилиш учун тижорат банки раҳбариятини аниқ ахборотлар ва материаллар билан оператив ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операциялар амалга оширилган ёки амалга оширишга бўлган уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган миқдорлар билан алоқадор шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек бундай маълумотларни бошқа тижорат банклари ҳамда давлат органлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро алмашиб бориш;

республикадаги ва чет элдаги бошқа банклар билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатишда уларнинг ички назорат тизимини ўрганиш;

операцияларнинг анонимлигини оширувчи янги технологиялар ёрдамида қўнга ҳилоф иш қилиш, ҳусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва

(ёки) терроризмни молиялаштириш учун тижорат банки хизматларидан фойдаланиш тахдидининг олдини олишга алохида эътибор қаратилиши мақсадида зарур бўлган тадбирлар қўллаш;

сўровномалар бўйича миқдорлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлашдан иборат.

Ички назорат тизими мақсад ва вазифаларига эришиш учун Ички назорат хизмати қуйидагилар бўйича функцияларни бажаради:

конунга ҳилоф иш қилиш ҳолатларини, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун тижорат банки хизматларидан фойдаланиш тахдидининг олдини олиш учун конун ҳужжатларида, Қоидаларда, ички ҳужжатларда қўзда тутилган чораларни қўриш;

тижорат банки томонидан конун ҳужжатлари ва тижорат банки ички ҳужжатлари талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

тижорат банки фаолиятидаги конун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва хатоларни бартараф этиш юзасидан раҳбарият қўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (кейинги ўринларда - Марказий банк) ваколатли вакиллари, тижорат банкнинг ички аудит хизмати ходимлари, ташқи аудиторлар ҳамда Департамент ходимлари томонидан ўтказилган текширув жараёнида ички назорат тизимини ташкиллаштиришда ва унинг фаолиятида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилишини мониторинг қилиш;

ички назоратни ташкил этиш, ходимлар томонидан конун ҳужжатлари, Қоидалар ва ички ҳужжатлар талабларининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари бўйича Марказий банк ва Департамент билан ҳамкорлик қилиш. Хар бир тижорат банки конун ҳужжатлари ва Қоидалар асосида Ички назорат хизматининг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайдиган низомни ишлаб чиқиши, банк кенгашида тасдиқлаши ва амалга киритиши лозим.

Ички назорат хизмати тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни акс эттириши керак:

унинг мақсади ва вазифалари;

унинг тижорат банкнинг бошқа бўлинмаларидан мустақил бўлишини таъминлаш усуллари;

унинг тижорат банкнинг бошқа бўлинмалари, шунингдек тижорат банки ички аудит хизмати билан ўзаро муносабати;

ўзига юклатилган функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек маълумотларни тақдим этиш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича тижорат банкнинг бошқа бўлинмалари ходимларининг мажбурияти;

конун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар бўйича мумкин бўлган бузилишларни ўрганиш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши;

олинган маълумотларни тижорат банки бошқаруви раисига ва зарур ҳолларда тижорат банки кенгашига эркин ифодалаш ва ошқор этиш ҳуқуқига эга бўлиши;

бошқарув раисига тегишли ҳисоботни тақдим қилиш мажбурияти;

тижорат банки бошқарувига конун ҳужжатлари ва стандартларга мувофиқлик масалалари бўйича, жумладан мазкур соҳадаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар юзасидан маслаҳатлар бериш мажбурияти;

ходимларни танлаш талаблари ва тартиблари;

малакани ошириш бўйича махсус курсларда мунтазам равишда ўқиб бориш мажбуриятлари.

Тижорат банклари хар йили Қоидалар талабларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни акс эттирган ҳолда ички қоидаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим:

мижозларни лозим даражада текшириш, шу жумладан, мижозларни ва уларнинг хакикий эгасини идентификациялаш, шунингдек мижозларнинг операциялари устидан доимий мониторингни амалга ошириш коидалари;

зарур бўлган ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

Ички назорат хизмати ходимлари томонидан тижорат банки бош офисидаги Ички назорат хизмати рахбарига (кейинги ўринларда - Ички назорат хизмати рахбари) конун хужжатлари бузилиши далиллари тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари;

гумонли операцияларни аниклаш мезонлари ва уларнинг аломатлари;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чоралар ва бошқалар.

Ички коидалар тижорат банки кенгаши томонидан тасдиқланади.

Тижорат банкининг ички назорат тизими банк фаолиятининг жихатлари, асосий йўналиши, мижозлар базаси ва мижозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ хатарлар даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилади.

Тижорат банкининг, шу жумладан, унинг филиалларининг ички назорат тизими тузилмаси тижорат банки кенгаши қарори билан белгиланади ва Марказий банкнинг талабларига мувофиқ қайта қўриб чиқилиши лозим.

Тижорат банки ички назорат тизими тузилмаси тижорат банки бош офисининг Ички назорат хизматини, шунингдек тижорат банкининг ҳар бир филиалидаги Ички назорат хизматини ёки масъул ходимни ўз ичига олади.

Ички назорат хизмати ички назорат мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларни унумли бажариш учун етарли миқдорда ходимлар билан шакллантирилади.

Ички назорат хизмати рахбари ва ходимлари тижорат банки бошқаруви раисининг буйруғи билан тайинланади.

Ички назорат хизмати рахбари олий иқтисодий ёки юридик маълумотга ва тижорат банкининг банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлинмасида қамада икки йиллик раҳбарлик тажрибасига ёҳуд Ички назорат хизматида қамада бир йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

Ички назорат хизматининг рахбари ва ходими лавозимига тайинланувчи шахсдан қуйидагилар талаб қилинади:

банк ва молия конунчилигини, шу жумладан, Марказий банкнинг меъёрий хужжатларини билиш;

бухгалтерия ҳисоби коидалари ҳақидаги билимга эга бўлиш, шунингдек мунтазам равишда малакани ошириш бўйича махсус ўқув курсларида иштирок этиш.

Ички назорат хизмати рахбари ёки ходими лавозимига қуйидаги шахслар тайинланиши мумкин эмас:

ўз фаолияти ва ахлокида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқаргани ёки ишни виждонан юритмаганини намоён этган шахслар;

иқтисодиёт соҳасидаги жинояти учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар.

Тижорат банки ички назорат тизими тузилмасини шакллантириш, Ички назорат хизмати раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилгандан сўнг 10 (ўн) кун муддат мобайнида тайинланган шахслар тўғрисидаги сўровнома маълумотларини илова қилган ҳолда бу ҳақда Марказий банкка хабар бериши лозим.

Ички назорат хизмати рахбари ва ходимлари қуйидаги ҳуқуққа эга:

ички назоратни амалга ошириш мақсадида тижорат банки бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан керакли фармойиш берувчи ва бухгалтерия хужжатларини талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, тижорат банкининг электрон маълумотлар базаларида, локал ҳисоблаш тармоклари ва автоном компьютер тизимларида сақланадиган файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

тижорат банкининг бошқа бўлинмалари мутахассисларидан ёрдам сўраш ва олиш;

тижорат банки бўлинмаларининг хоналарига кириш, шунингдек тижорат банки бошқаруви раисининг ёзма рухсатномаси билан ҳужжатлар сақланиши учун фойдаланиладиган (архивлар), нақд пул ва кимматликлар сақланадиган (пул омбори), компьютер маълумотларини қайта ишлаш ва маълумотларни электрон шаклда сақлаш хоналарига кириш;

бошқарув раисининг ёки тегишли ваколатга эга бўлган унинг ўринбосарининг ёзма розилиги билан терроризмни молиялаштиришга боғлиқ бўлган операцияларни тўхтатиб туриш ҳақида банк филиаллари раҳбарларига кўрсатмалар бериш;

мижозларнинг операцияларига нисбатан келгуси ҳаракатлари, жумладан, конун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча маълумот олиш ёки мавжуд маълумотларни текшириш бўйича тижорат банки бошқаруви раисига таклифлар тақдим этиш;

Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари тижорат банки номидан тўлов (ҳисоб-китоб), кредит ва бухгалтерия ҳужжатларини имзолаш ёки ушбу ҳужжатларга имзо қўйиш орқали розилик билдириш (визалаш) ҳуқуқига эга эмас.

Ички назорат хизматининг раҳбари ва ходимлари ўз вазифаларини бажаришда қуйидагиларга мажбурдирлар:

ўз ваколати доирасида Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўриш;

тижорат банкининг тегишли бўлинмаларидан олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

ўз вазифаларини амалга оширишда олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

Ички назорат хизмати раҳбари бевосита тижорат банки бошқаруви раисига ҳисобдордир ва тижорат банкининг бошқа бўлинмаларидан мустақилдир.

Ички назорат хизмати ходимлари бевосита Ички назорат хизмати раҳбарига ҳисобдордир.

Тижорат банки бўлинмалари ходимлари Ички назорат хизматида унинг вазифаларининг амалга оширилишида Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ қўмақлашадилар.

Тижорат банки бўлинмалари ходимларининг Ички назорат хизмати раҳбари ёки ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабат тартиби ички ҳужжатлар билан белгиланади.

Ходимларнинг сўнгги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги конун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунириб бериш мақсадида тижорат банклари мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

Тижорат банклари қуйидаги ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари керак:

а) ҳўжалик ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда, шу жумладан:

юридик ёки жисмоний шахс банк ҳисобварагини (омонатни) очиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

тижорат банки томонидан эмиссия қилинган кимматли коғозлар харидида;

жисмоний шахс кредит олиш учун мурожаат қилганида;

б) бир марталик операциялар амалга оширилган қуйидаги ҳолларда:

энг кам иш хаки микдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан накд чет эл валютаси ва (ёки) йўл чеклари сотилишида;

энг кам иш хаки микдорининг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан накд чет эл валютасини майдаланишида, алмаштирилишида ва (ёки) конверсияланишида;

энг кам иш хаки микдорининг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада мижозлардан накд чет эл валютаси ва (ёки) йўл чекларини экспертиза учун қабул қилинишида;

мижозлар томонидан пластик карточкалар бўйича накд хорижий валюта олинишида;

жисмоний шахслар томонидан накд чет эл валютасини ва (ёки) чет эл банклари ва молия институтлари томонидан чиқарилган йўл чекларини сотиб олинишида;

банк ҳисобварагини очмасдан ёки ҳисобварақдан фойдаланмасдан, пул ўтказмаларини амалга оширишда ёки қабул қилишда (коммунал ва алоқа хизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан мустасно);

в) шубҳали операциялар амалга оширилганда;

г) мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан гумонлар мавжуд бўлганда;

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар Қоидалар қучга қиргунга қадар ҳисобварақ очилган мижозларга нисбатан ҳам амалга оширилади.

Мижозни лозим даражада текшириш бўйича тижорат банклари томонидан қўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва у қайси шахслар номидан иш қўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказишни.

Олинган ахборотларнинг (ҳужжатларнинг) ишончлилигига шубҳалар мавжуд бўлса, тижорат банклари ушбу ахборотларни (ҳужжатларни) текшириш (верификациялаш) бўйича чораларни қўришлари лозим. Бундай ҳолатларда, тижорат банклари мижозлар ҳақидаги ахборотларнинг (ҳужжатларнинг) ишончлилигини (ҳақиқийлигини) аниқлаштириш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақли.

Пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда операциялар бажарилганда мижозни идентификациялаш пластик карточканинг реквизитлари асосида амалга оширилади.

Мижоз банкка келмаган ҳолда операцияни амалга ошириш имконини берувчи дастурлар ёрдамида шубҳали операциялар ўтказиш ҳақидаги гумонлар мавжуд бўлганда, тижорат банки тегишли дастурдан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилган, жумладан, бевосита банк хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган ва лозим даражада текширилган шахслар томонидан операциялар амалга ошириладиганлигини мижознинг юридик манзили бўйича ўрганиш ҳуқуқига эга. Юқоридагиларни ўрганиш жараёнида, тижорат банки мижоз томонидан Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 7-сон) талабларига риоя қилинишини, хусусан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг расмийлаштирилиши, ваколатли шахслар (рахбари, бош ҳисобчиси) томонидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг имзоланиб тасдиқланиши, ушбу ҳужжатлар бўйича ўтказмалар айнан электрон имзолаш ҳуқуқи мавжуд бўлган шахс томонидан электрон имзолаш орқали тасдиқланган ҳолда амалга оширилишига, мазкур ҳужжатларнинг сақланишига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Мижозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча

хужжатлар улар такдим этилган санада кучини йўкотмаган бўлиши шарт. Тижорат банки томонидан жисмоний шахс - миждозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи хужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган хужжат) асосида амалга оширилади. Бунда, тижорат банки мустанкил равишда бундай хужжатнинг асли билан танишиб чиқиши лозим. Юридик шахс - миждозларга нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чоратдбирлар бажарилаётганда тижорат банклари улардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатларни, рахбарияти хақидаги, шунингдек таъсис хужжатларида кўрсатилган маълумотларни олишлари лозим. Юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида тижорат банки пировард натижада миждознинг мулкдори бўлган ёки миждозни назорат қилувчи миждознинг хақиқий эгаси - жисмоний шахсни идентификациялаш бўйича, шу жумладан миждознинг ҳамда унинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)нинг мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни қўриши лозим. Агар миждоз ёки миждознинг хақиқий эгаси мулкчилик таркиби тўғрисида маълумотни ошқор қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талаблари татбиқ қилинувчи юридик шахс ҳисобланса, бундай юридик шахснинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)ни аниқлаш ва тасдиқлаш талаб этилмайди. Тижорат банки юридик шахс - миждозни батафсил ўрганиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

миждознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) таркибига, миждознинг устав фонди (капитали)нинг 10 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилаётган шахсларни аниқлашга;

миждоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига;

миждоз устав фонди (капитали)нинг рўйхатга олинган миқдорига.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш чоратдбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

Норезидент - банк билан вакиллик муносабатлар ўрнатилишида ва амалга оширилишида норезидент - банкни идентификациялашдан ташқари, тижорат банки қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

норезидент - банкнинг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у хақидаги ахборотларни йиғиш;

очиқ маълумотлар асосида норезидент - банкнинг обрўсини ва назорат сифатини, жумладан, ушбу банкка нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор қонун хужжатларини бузганлик учун тергов олиб борилган ёки борилмаганлигини аниқлаш;

"транзит ҳисобварақлар"га нисбатан - банк - респондентда банк - корреспондент сўрови бўйича миждоз тўғрисида керакли идентификациялашга оид зарур маълумотларни такдим этиш имконияти мавжудлиги тўғрисида тасдиқ олиш;

транзит ўтказмаларини амалга ошириш мақсадида бошқа банклар билан муносабатларни ўрнатишда электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш.

Норезидент - банк билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қарор тижорат банки бошқаруви томонидан қабул қилинади.

Тижорат банклари вакиллик муносабатлари ўрнатаётган норезидент - банклар томонидан текширишнинг халқаро стандартлар қўлланилиши ва операцияларга нисбатан тегишли текширув тартибларидан фойдаланилиши хақида ишонч ҳосил қилишлари керак.

Тижорат банклари вакиллик муносабатларини давом эттириш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар ҳудудида жойлашган норезидент - банкларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Тижорат банклари:

улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари бўлмаган банклар томонидан ҳисобварақлари фойдаланаётганлиги тўғрисида

маълумот мавжуд бўлган норезидент - банклар билан муносабатлар ўрнатилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўришлари шарт;

халқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилишида мазкур ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тўлов тафсилотлари ва бошқа маълумотларни банк - корреспондентларга тақдим этиши мумкин;

жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг манзили ва ҳисоб рақами) тақдим этилмаган ёхуд қисман тақдим этилган халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларга алоҳида эътибор қаратишлари ва батафсил таҳлил қилишлари лозим;

тўлов ўтказмаларини амалга оширишда воситачи сифатида иштирок этсалар электрон ўтказмалар билан бирга жўнатиладиган, жўнатувчи тўғрисидаги барча маълумотларни тўлиқ узатилишини ва сақланишини таъминлашлари шарт; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро талабларни бажармайдиган ёки қисман бажарадиган давлатларда жойлашган ўзларининг чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан ушбу соҳадаги халқаро стандартларга риоя қилинишига эътибор қаратишлари лозим;

чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналаридан улар жойлашган мамлакатлар қонунчилигида тегишли чоралар тақикланганлиги мавжудлиги сабабли, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни татбиқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, бош банкка ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдирлар. Ўз навбатида тижорат банклари бу ҳақда Марказий банкка ва Департаментга хабар беришлари шарт.

Тижорат банкларининг чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда халқаро стандартлар ва улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим. Мижозни ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш мажбурий ҳисобланмайди, агар ушбу мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгаси Қоидаларга мувофиқ тижорат банки томонидан аввал идентификацияланган бўлса. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш аввалги идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар аниқлигига гумон тутилган тақдирда амалга оширилиши лозим. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда тижорат банки олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган ва тижорат банкларига тақдим қилинадиган, ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт. Тижорат банклари қуйидаги ҳолларда мижозга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақлидирлар:

юридик шахс бошқаруви органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида;

шак-шубҳасиз нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Тижорат банкларига қуйидагилар тақикланади:

аноним (номи кўрсатилмаган ҳолда) шахсларга, яъни ҳисобварақ (омонат) очётган жисмоний ёки юридик шахслар томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда, ҳисобварақ (омонат) очиш;

ўйлаб чиқарилганлиги аниқ бўлган номларга ҳисобварақлар очиш;

хисобварак очаётган шахсининг ёхуд унинг ваколатли вакилининг шахсан иштирокисиз хисобварак очиш;

Ўзлари ва доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида жойлашмаган норезидент - банклар билан муносабат ўрнатиш ва давом эттириш;

такдим этувчига бўлган кимматли коғозлар ва бошқа молиявий инструментлар чиқариш.

Мижозни лозим даражада текширишни амалга оширишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда тижорат банки Департаментга хабар бериш масаласини кўриб чиқиши ва иш муносабатларига киришишни ёки бундай мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боглик операцияларини амалга оширишни рад этишга ёхуд у билан ҳар қандай иш муносабатларини тўхтатишга мажбур. Норезидент - банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар талаблари бузилиши ҳолатлари ҳақида ахборот мавжуд бўлган тақдирда, тижорат банки бошқаруви ушбу вакил банк билан ҳамкорликни тўхтатишгача бўлган тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боглик операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда гумонли операция деб тан олинади:

1) тижорат банки томонидан операцияга ёки уни амалга ошираётган мижозга хатар даражаси юқори деб берилган;

2) пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига оффшор ҳудудларда доимий яшовчи ёки рўйхатга олинган шахсларнинг хисобварағига ёки фойдасига кўчирилиши, ёхуд бундай шахсларнинг хисобварағидан Ўзбекистон Республикасига 30 календарь кундан ошмаган муддат давомида охириги ўтказиш (келиб тушиш) қунида белгиланган энг кам иш ҳакининг 1000 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган умумий суммада маблағлар бир маротаба ёки кўп маротаба ўтказилиши (келиб тушиши);

3) резидент - мижоз томонидан товар етказиб бериш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) шартномаси бўйича аввал олинган бадал суммасининг норезидент фойдасига мунтазам равишда қайтариб берилиши;

4) операцияни амалга ошириш учун такдим килинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлилигига) гумон тугилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан, операция бажарувчи томонларнинг бири ҳақидаги маълумотлар тижорат банкида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

5) операцияни амалга ошириш учун ариза (топширик, илтимоснома) билан мурожаат килинганда мижоз хатти-ҳаракатларининг гайриоддийлиги, масалан: асабийлашиши, иккиланиши, мижознинг ҳаракатларини бошқариб турувчи шахсларнинг мавжудлигида унинг агрессивлиги ёки унинг бошқа шахсларга арзимас сабаб юзасидан телефон орқали маслаҳат учун мурожаат қилиши;

6) мижознинг махфийлик масалалари юзасидан гайриоддий ташвишланиши ёки тижорат банки томонидан операция ҳақида сўралган маълумотларни мижоз томонидан асоссиз рад этилиши ёхуд такдим этилишида ноўрин кечиктирилиши;

7) амалга оширилаётган операция бўйича мижоз ҳамкорларини аниклаш имкони йўқлиги;

8) операция иктисодий моҳиятга эга эмаслиги ва мижоз фаолиятининг тавсифи ва фаолият турига мувофиқ келмаслиги;

9) мижоз фаолияти тавсифига боглик бўлмаган ҳолда унинг хисобварағида пул маблағлари айланмасининг асоссиз кўпайиши;

10) тижорат банки иштирокида мижоз томонидан бажарилаётган операцияларнинг операцияларни амалга оширишнинг умумқабул килинган амалиётига номувофиқлиги;

11) мижоз томонидан бажарилаётган операцияларга ўхшаш операцияларнинг суммалари асоссиз таксимланиши;

12) ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби мижознинг оддий фаолиятидан фарқ қилувчи ностандарт ёки ғайриоддий мураккаб схемалардан иборат бўлиши;

13) мижоз томонидан операциянинг аввал қилинган амалга ошириш схемасига унинг ижро қилиниши бевосита бошланишидан олдин, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг ҳаракат йўналишига тааллуқли бўлган ўзгартиришлар киритилиши;

14) жисмоний шахс томонидан айирбошлаш қунига белгиланган энг кам иш ҳакининг 1000 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммада бир қийматдаги банкнотларни бошқа қийматдаги банкнотларга айирбошлаш;

15) операция амалга оширилиш қунига белгиланган энг кам иш ҳакининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган суммада жисмоний шахс томонидан нақд пул қўринишидаги пул маблағларини юридик шахснинг ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг банк ҳисобварағига қарз, кредит, молиявий ёрдам, устав фонди (капитал)га қўйилма сифатида киритилиши;

16) норезидент томонидан резидентга грантлар, молиявий ёрдам, қарз ёки бегараз ёрдам сифатида пул маблағлари берилиши.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали операция деб тан олинади:

1) операция бажарувчи томонларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

2) жисмоний шахслар томонидан, шу жумладан, пул ўтказмалари тизимлари орқали бир вақтда ёки 3 ойдан ошмаган муддат давомида қўп маротаба энг кам иш ҳакининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасида пул маблағлари олинishi ёки жўнатилиши;

3) жисмоний шахслар томонидан бир вақтда ёки 3 ойдан ошмаган муддат давомида қўп маротаба энг кам иш ҳакининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасидаги пул маблағлари сотилиши ёки сотиб олинishi;

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига номи қўрсатилмаган ҳолда, (аноним) шахсга очилган ҳисобвараққа пул маблағлари қўчирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасига номи қўрсатилмаган ҳолда, (аноним) шахсга очилган ҳисобварақдан ёки жўнатувчиси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган пул маблағларининг тушиши;

5) тижорат банки томонидан хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тоифасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган гумонли операция.

Операция бажарувчи томонларидан бири қуйидаги шахслар ҳисобланиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлганда ҳар қандай операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс.

Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган маълумотлар асосида, мижознинг фаолияти ва операциялари турларини инобатга олган ҳолда, Ички назорат хизмати мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларнинг амалга оширилишини

баҳолаши ва тегишли (юкори ёки паст) хатар даражасини белгилаши лозим (кейинги ўринларда - хатар даражаси).

Тижорат банки аввалдан куйидаги мезонларга жавоб берадиган мижозларни юкори даражадаги хатар тоифасига киритиши ва уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) террорчилик фаолиятида иштирок этаётганлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шугулланаётган шахсларнинг назорати остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шугулланаётган ёки шугулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори эканлиги ёхуд уни назорат қилаётганлиги тўғрисида мавжуд бўлган маълумотга тегишли шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) оффшор ҳудудларда ҳисобвараққа эга бўлган резидент ва норезидентлар;

г) ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

д) фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмаган ташкилот ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

е) ҳақиқий эгаси кўрсатилган шахслар ҳисобланган ташкилотлар;

ж) мунтазам равишда (масалан, 3 ой ичида кетма-кет) шубҳали ёки гумонли операцияларни амалга оширувчи мижозлар;

з) мижознинг шахсан иштирокисиз операцияни амалга ошириш имконини берувчи дастурий комплекслардан фойдаланувчи мижозлар;

и) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

Тижорат банки куйидаги мезонларга жавоб берадиган операцияларни юкори даражадаги хатар тоифасига киритиши ва уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) иштирокчилари тегишли бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган операциялар;

б) оффшор ҳудудда очилган ҳисобварақлар орқали амалга ошириладиган операциялар;

в) қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар мавжуд бўлган заргарлик буюмлари билан операциялар, тижорат банклари ўзлари амалга оширадиган бундай операциялардан ташқари;

г) жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлари (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг манзили ва ҳисоб рақами) тўлиқ тақдим этилмаган пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган операциялар;

д) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа операциялар.

Мижоз ёки мижоз томонидан амалга ошириладиган операция юкори даражадаги хатар тоифасига киритилган тақдирда, бундай мижоз операцияни амалга ошириши ҳақида (ҳисобварақ очиш, ҳисобварақдан маблағ кўчириш ва шу қабиларда) тижорат банкининг тегишли бўлинмаси Ички назорат хизматига хабар бериши керак. Ички назорат хизмати ушбу мижоз томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан доимий мониторинг юритиши шарт. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, тижорат банки зарур ҳолларда у билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим. Тижорат банклари барча мураккаб, гайриоддий йирик микдордаги операцияларга, шунингдек иктисодий ёки қонуний мақсадсизлиги аниқ бўлган операцияни гайриоддий амалга ошириш схемаларига кучайтирилган эътибор қаратишлари керак.

Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек мижоз билан ишлаш бўйича белгиланган хатар даражаси операцияларнинг мижоз фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва зарур ҳолларда маблағлар

манбаларини ўрганиш учун ўтказиладиган миждозлар томонидан амалга ошириладиган (оширилган) операцияларнинг мониторингига асос бўлиб ҳисобланади. Миждозлар операцияларининг жорий текшируви тижорат банкининг миждозларга бевосита хизмат кўрсатувчи (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу каби) тегишли ходимлари томонидан, лавозим маждбуриятларига мувофик амалга оширилади. Мазкур ходимлар гумонли операциялар аникланган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига ва Ички назорат хизмати ходимларига ёзма равишда хабар беришга маждбурдирлар. Миждозлар операцияларининг кейинги текшируви Ички назорат хизмати ходимлари томонидан жорий текширув жараёнида аникланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, миждознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Гумонли операциялар аникланганда тижорат банкининг миждозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари Ички назорат хизматининг топширигига биноан зарур ҳолларда ўтказиладиган операция ҳақидаги кўшимча маълумотлар юзасидан миждозга мувожаат қиладилар. Ички назорат хизмати ходимлари миждоз ва операция ҳақидаги маълумотларни ўрғанади, тегишли маълумотларни Ички назорат хизматининг махсус журналида ва миждоз сўровномасида қайд этади, шунингдек уларни Ички назорат хизмати раҳбарига юборади. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда Ички назорат хизмати раҳбари миждоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қиладди. Операцияларни шубҳали деб тан олиш ҳар бир алоҳида ҳолатда Қоидалар билан белгиланган шубҳали операциялар мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида амалга оширилади. Миждоз операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг, Ички назорат хизмати раҳбари тижорат банкининг миждозга нисбатан қелгуси ҳаракатлари юзасидан, шу жумладан:

Департаментга шубҳали операция тўғрисида хабар бериш;

тижорат банкининг тегишли раҳбарларини ва унинг миждозлар билан бевосита фаолият юритадиган мутоасадди бўлинмалари раҳбарларини операция шубҳали деб тан олинганлиги тўғрисида маълум қилиш;

миждоз тўғрисида кўшимча маълумот олиш;

миждоз билан ишлаш ҳатар даражасини қайта қўриб чиқиш;

миждоз билан операциялар амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти;

қонун ҳужжатларига ва миждоз билан тузилган шартномага мувофик шартнома муносабатларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қиладди.

Шубҳали операция ҳақидаги хабар тижорат банки томонидан у аникланган қундан кейинги иш қундан қечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофик Департаментга берилади.

Ҳар бир хабар берилиши тўғрисидаги маълумот Ички назорат хизматининг махсус журналида қайд этиб борилади. Тижорат банклари, шунингдек тегишли операциянинг шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалилигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумот юзасидан дарҳол Департаментга хабар беришлари зарур.

Агар миждоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида ёки ушбу муносабатларни амалга оширишда, ёхуд бир маротабалик операцияларни ўтказишда Ички назорат хизмати раҳбарида ёки ходимларида Қоидаларга мувофик операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозимлиги тўғрисида шубҳалар пайдо бўлса, Ички назорат хизмати раҳбари ёки ходимлари қуйидаги чора-тадбирларни қўришлари лозим:

миждоз ва миждознинг ҳақиқий эгасини батафсил идентификациялаш;

юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварагига тушган пул маблағларини ҳисобга қиритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш қунига тўхтатиб туриш тўғрисида асослантирилган фармойиш қабул қилиш;

операция тўхтатиб турилган қуннинг ўзида операция тўғрисидаги хабарни Департаментга юбориш учун тайёрлаш;

операция хакидаги маълумотни Ички назорат хизматининг махсус журналига киритиш.

Операцияни тўхтатиш факатгина тижорат банкида мижоз тўғрисидаги мавжуд ахборотлар Рўйхатдаги маълумотлар билан тўлиқ мос келган тақдирда амалга оширилади. Операция тўхтатилган тақдирда мижознинг топшириги асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди. Мижоз топшириги операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириклари рўйхатга олинadиган алоҳида журналда рўйхатга олиниши, шунингдек операция тўхтатилиши муддати тугагунига қадар махсус жилдга жойлаштирилиши лозим. Операциялари тўхтатилган мижозларнинг топширикларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар қайд этиб борилади. Департаментнинг операцияни икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш хакидаги кўрсатмаси мавжуд бўлганда, тижорат банки уни кўрсатилган муддатгача тўхтатади. Департамент жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан, тижорат банкининг автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга. Тижорат банклари Департаментнинг сўровлари бўйича қўшимча маълумотларни тақдим қиладилар. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи хорижий органлар сўров билан Департаментга мурожаат қиладилар. Департамент Марказий банк орқали тегишли сўровни тижорат банкларига тақдим этади. Тижорат банклари бундай сўров асосида сўралаётган маълумотни Департаментга тақдим этадилар.

Мижозларни лозим даражада текшириш билан боғлиқ бўлган тўлиқ ёки қисман ва хорижий тилда тузилган ҳужжатлар тижорат банки томонидан, зарур ҳолларда, давлат тилига ёки рус тилига таржимаси билан талаб этилиши мумкин. Тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, тижорат банки танишиш учун ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар Коидаларнинг иловасига мувофиқ мижоз сўровномасида қайд этилади. Тижорат банки ички ҳужжатларга мувофиқ мижоз сўровномасига бошқа маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга. Сўровномалар махсус дастурлар ёрдамида барча мижозлар бўйича электрон шаклда тўлдирилади. Шубҳали операцияларни амалга оширувчи ва юқори даражадаги хатар тоифасига киритилган мижозлар бўйича сўровномалар қогоз шаклида ҳам тўлдирилади. Электрон шаклда тўлдирилган мижоз сўровномаси қогоз шаклида чиқарилганда тижорат банкининг бош бухгалтери ёки у бўлмаган тақдирда, унинг муовини ёхуд масъул ходим томонидан тасдиқланади. Мижозлар сўровномалари мижозлар мақоми бўйича (юридик ва жисмоний шахслар бўйича) хронологик тартибда алоҳида жилдларда тикиб борилади ва Ички назорат хизмати ходими томонидан сақлаб борилади. Электрон шаклда тўлдирилган сўровномалар тижорат банкининг мижозларни идентификациясини амалга оширувчи ходимларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади. Мижоз сўровномаси тижорат банкида мижоз билан муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади. Мижоз сўровномасида кўрсатилadиган маълумотларнинг ўзгаришига, шунингдек у томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, тижорат банклари зарур ҳолларда мижоз билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот зарурат тугилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим. Тижорат банклари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк

билан боглик операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни конун хужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида саклашлари шарт. Тижорат банклари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боглик бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг таркалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида Департаментга хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Тижорат банки ички назорат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларнинг банкнинг ходимлари томонидан ошқор қилинмаслигини (ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслигини) таъминлайди. Учинчи шахсларга маълумотлар, шу жумладан, сўровномадан мижознинг идентификация маълумотларини ташкил этувчи маълумотлар тақдим қилиниши конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, тижорат банки мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни амалга ошириш хатари юқори деб баҳолаган тақдирда, камида бир йилда бир маротаба ҳамда бошқа ҳолларда камида уч йилда бир маротаба янгиланиб борилиши лозим.

Тижорат банклари, Ички назорат хизмати ва бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимлари Қоидаларни бузганлиги учун конун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Конун хужжатлари, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги конун хужжатларини тижорат банки ходимлари томонидан операцияларни амалга ошириш жараёнида бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлиб қолган тижорат банки ходимлари ушбу далилларни дарҳол Ички назорат хизмати раҳбарига ёки ходимларига ёзма равишда етказадилар.

Хулоса

Банкларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз маблағлари билан эмас, балки омонатчилар ва миждозлар унга ишониб топширган маблағлар билан иш кўради. Банклардан лоақал биттасига ишончнинг йўқолиши умуман банк тизимининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун банкларни қаттиқ назорат қилиш зарур. Банкларга нисбатан узлуксиз асосда жамоат ишончини сақлаш ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизими бугунги кунда халқаро молия ташкилотлари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бориб тегишли тадбирларни амалга оширмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда мустақил аудиторлик фирмалари фаолиятини кескин ривожланиб бориши, хусусан юртимизда жаҳондаги ривожланган аудиторлик фирмаларини фаолият кўрсатиши, ўз навбатида, банклар устидан назоратни такомиллаштириш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Республикада банк назоратини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида ахборотлар базаси ҳам тез суръатларда ривож топмоқда.

Банк назоратини ташкил этиш мамлакатнинг қонунчилик базасига ва халқаро банк ташкилотларининг тавсияларига асосланади.

Банкларни назорат қилиш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Назорат қилиниши керак бўлган банк муассасаларини аниқлаш,
- Банк операцияларини амалга оширишда лицензиялар бериш,
- Бухгалтерлик ҳисоби, банк ва статистика ҳисоботининг андоза(стандарт)лари,
- Иқтисодий нормативларни ўрнатиш,
- Аудиторлик текширувларининг мажбурийлиги,
- Банкни бошқариш бўйича васийлик,
- Банкни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш,
- Банк фаолиятини амалга оширишда берилган лицензияларни бекор қилиш ёки

банк операцияларини чегаралаш тартиби.

Тижорат банклари ишончиликлари ошириш ҳамда ўз ишларининг сифатли бўлишини таъминлаш учун ички банк назоратини ёки ички банк аудитини ташкил этади ва амалга оширади.

Ички банк аудитининг бош мақсади ва асосий фаолияти мазкур тижорат банки рискларини минимал даражада камайтириш ва фойдани максимал даражада оширишни таъминлашга қаратилади.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилишнинг ҳамма турлари бир- бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг мақсад ва вазифалари тижорат банклари ва умуман бутун банк тизими фаолиятини барқарор ва безарар бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Нazorat органларининг асосий вазифаси келажакда банк ишида муаммолар вужудга келиши эҳтимолини аниқлаш ҳамда уни олдини олишни таъминлашдир.

Мамлакатимизда иқтисодиётни бозор тизимига ўтиши муносабати билан янги банкларни шакллантириш, уларни назоратини ривожлантириш масаласи кескин даражада кўндаланг бўлиб туради. Бугунги кунда Республика ҳудудида 29 та турли хил мулкчилик шаклига асосланган банклар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда банк тизимини қайта қуриш мустақил давлат иқтисодий тизимини муҳим йўналишларидан бири бўлди. Хўжалик механизми бир маромда фаолият юритиши барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини тақозо этади ва иқтисодиётни бозорга ўтиш даврида сифат жиҳатдан бутунлай янги банк тизими ҳамда банк назоратини туб асосини яратиш ва қуриш узлуксиз давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизнинг ривожланган банк тизимини шакллантириш давлатимиз томонидан олиб борилаётган молия сиёсатининг маҳсулидир.

Банклар устидан назорат қилиш, улар фаолиятида муайян чеклашларни ўрнатиш иқтисодий эркинликка зид бўлган ҳолат сифатида қаралиши мумкин. Лекин жаҳоннинг

кўпгина ривожланган давлатларида банклар, шунингдек, бошқа молия ташкилотларининг фаолияти кўп даражада давлат томонидан тартибга солинади. Бошқача қилиб айтганда, хатто ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида молиявий сектор жиддий равишда тартибга солинар экан, ўтиш даврида буни тўла оқлаш мумкин.

Бироқ бозор шароитида молиявий секторни тартибга солиш моллар ва хизматлар нархига таъсир кўрсатиш учун бозор механизмларига етарли даражада ҳаракат эркинлигини бериш, шунингдек, майда-чуйда нарсаларга ҳам аралашидан воз кечиш билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўғри, банк фаолиятини тартибга солиш ҳаддан ташқари бўладиган ва рақобатнинг ривожланишига ҳалакит берадиган омилга айланадиган чегарани белгилаш осон эмас.

Шунинг учун жаҳонда умумий қабул қилинган принциплар ва қоидалар ҳар бир мамлакатда аниқ вазият таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

У ёки бу банкнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни тузатишга мажбур қилиш учун назорат органи ихтиёрида таъсир кўрсатиш чораларининг муайян тўплами бўлиши керак. Бизнинг янги банк қонунларимизга кўра турли вазиятларда фойдаланиш мумкин бўлган даражаланган чоралар мажмуи кўзда тутилган. Жумладан: иқтисодий меъёрларни ўзгартириш, мажбурий резерв фондини ошириш, айрим банк операцияларини амалга оширишни таъқиқлаб қўйиш, ҳиссадорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиб қўйиш, банк устидан васийлик ўрнатиш кабилардир. Энг сўнги чора эса уларга берилган рухсатномаларни қайтариб олишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 йил 21 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун.-Т.: Ўзбекистон, 2000й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1447-сонли Қарори.
6. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2011-Б.58.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
- 8.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
9. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши ”. Тошкент 2003 йил.
10. Абдуллаева Ш.З. Омонов А. “Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш” IQTISOD-MOLIYA .Тошкент-2006 йил.
11. Абдуллаева Ш.З. Сафарова З. “Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш” IQTISOD-MOLIYA .Тошкент-2007 йил.
12. Дўстмуродов Р.Д. ”Аудит асослари” Т. Ўзбекистон миллий энциклапедияси.2003 йил. 612 бет.
13. Каримов А.А. , Исломов Ф.Р. , Авлокулов А.З. ”Халқаро аудит тизими” Ўқув кўлланма.-Т. IQTISOD-MOLIYA , 2007 йил , 156 бет.
14. Муллажанов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
15. Норқобилов С. , Абдусаломова О. «Банкларда аудит» Тошкент , «Маънавият» . 2005 йил , 178 бет.
16. Норқобилов С. , Дадабоева Х. , Жўраев Ў. “Халқаро амалиётда банк назорати”. IQTISOD-MOLIYA .Тошкент-2007 йил 172 бет.
17. Шидловская М.С. Банковский надзор и аудит. -Минск. Вышэйшая школа, 2003 3 стр
18. Эрматов М.К. «Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари»-Т. «IQTISOD-MOLIYA»нашриёти , 2005, 144 б.
19. Абдуллаева Ш.З. CAMEL-банк фаолиятини баҳолаш хизматида.// Бозор, пул ва кредит журнали, 1998 йил 4-сон 49-бет.
20. «Банк тизими : мижоз банк учун эмас , банк мижоз учун» Марказий банк Ахборот хизмати .”Банк ахборотномаси” газетаси № 9. 2007 йил 21 февраль сони.
21. Бобокулов Т., Юсупов А. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш.// Бозор, пул ва кредит. №10, 2004. 6-7 б.
22. Жўраев У. Халқаро банк назоратини такомиллаштиришда Базель қўмитасининг роли.// Бозор, пул ва кредит. №10, 2003. 3-5 б.
23. Комиссаров Г.П. Тижорат банклари фаолиятини бошқариш.//Вестник банковского дела №1 2004 январ 59 стр.
24. VII. Интернет сайтлари
[http:// www.cbu.uz/](http://www.cbu.uz/)

[http:// www.worldbank.org/](http://www.worldbank.org/)
[http:// www.pbc.gov.cn/](http://www.pbc.gov.cn/)
[http:// www.imf.org/](http://www.imf.org/)
[http:// www.ecb.int/](http://www.ecb.int/)